

## **ВАТАНПАРВАРЛИК ВА УНИ ШАКЛАНТИРУВЧИ ИЖТИМОИЙ – МАЊАВИЙ ОМИЛЛАР**

*Қалқонов Эшматбай Тошпўлатович –  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, ф.ф.н.  
Эсенкелдиева Дилноза Жаббор қизи  
USAT 201 бошлангич таълим йўналиши талабаси*

“Ватан”, “Она Ватан” тушунчасининг илмий адабиётларда бир неча хил таърифлари берилади. Бу тушунча, аввало, киши туғилиб – ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисобланган мамлакат маъноси, иккинчидан, кишининг туғилиб-ўсган ўлкаси, шахри ёки кишлоғи, юрти, диёри маъносини ва ниҳоят, кишининг турар жойи, кошонаси, уйи, маскани маъноларини ифодалайди.<sup>1</sup>

Ватан ҳақида халқимиз, мутафаккирларимиз ўзларининг жуда кўп қимматли фикрларини билдиришган. Халқда шундай мақол бор: “Булбул чаммани, одам Ватанни севади”.”Ватан” тушунчаси ҳамма даврларда муқаддас ҳисобланиб келинган. Қуърони каримда ҳам Ватан тўғрисида: “Хуббул Ватан” (яъни “Ватанни севмўқ иймондандир”) дейилгандир. Ота – боболаримиз эътиқод қилиб келган Ислом динида “иймон” тушунчасидан кейин “Ватан” тушунчаси туради. Айтишларича, Мухаммад алайҳи вассалам ислом, иймонни сақлаб қолиш учун Мадинаи – Мунавварага ҳижрат қилган бўлсалар ҳам, ўз киндик қони тўкилган Маккаи – Мукаррама – ўз ватанларини тез – тез соғиниб турганликлари, хатто аввал Байт ул – муқаддас қибла бўлганда ҳамқалдан она юртлари Маккаи – Мукаррама томон бурилиб, шу ҳақда илоҳий асар қолармикан, деб осмонга юзланганлар.<sup>2</sup> Демак, “Ватан” оддий кишидан тортиб, Пайғамбаримиз учун ҳам муқаддас ҳисодланган.

“Ватан ҳақидаги тушунчанинг моҳияти биз туғилиб ўсган, яшаётган Ватанимизнинг ўзи эмас, балки бизнинг унга бўлган эътиқодимиздир”<sup>3</sup>- қайд қилган эди академик Эркин Юсупов. Ислом Каримов “Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарорида фикрларини келтиради: “Фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши событ тура олишга қодир бўлган, иродали, фидоий ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш ”дир.<sup>4</sup>

Ҳар бир инсоннинг ҳақиқий битта онаси бўлгани каби, унинг Ватани ҳам битта бўлади. Она муқаддас бўлганидек, унинг учун Ватан ҳам муқаддасдир. Ватан кенг маънода биз туғилиб ўсган юртнинг бутун моддий ва маънавий бойликлардан, оддий чўп ва ҳасдан токи биз нафас оладиган

<sup>1</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1 – жилд. М. 1981. 173 – бет.

<sup>2</sup>Ўзбекистон. “Ватан” серияси. Тошкент. 1992. 4 – бет.

<sup>3</sup>Э.Юсупов. Ирсон камолотининг маънавий асослари. Т.: “Университет”, 1998.

<sup>4</sup> И.А.Каримов. Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида. Т.: “Халқ сўзи”. 2006 йил, 26 август.

ҳавогача ҳамма – ҳаммасини ўз ичига олади.

Ўз Ватаннинг фарзанди бўлиш, унинг билан чамбарчас боғлиқ эканлигини теран ҳис қилиш, уни севиш, керак бўлса жонини ҳам ундан аямаслик, Ватан эл – юрт ва халқи учун фидойи, куйиб – ёниб яшаш ҳар бир ватанпарвар инсоннинг муқаддас бурчидир.

Ватанпарвар – ўз Ватани равнақи ва камолоти йўлида, ўз халқи ва миллатига, ўз эл – юртига муҳаббати туфайли эзгу ишлар учун жонини ҳам аямайдиган инсон! Абдурауф Фитрат 1915 – йилда ёзган бир шеърида: “Ватан саждаохимдир”, деган фикрларни айтган эди.

“Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан ўз оиласининг, авлод – аждодларининг номус – орига, чуқур эҳтиромига, инсоннинг шахсий виждонига, бурчига ва ўз сўзига содиқликка бориб тақалади”,<sup>5</sup> - қайд қиласи Юртбошимиз. Ватанпарварлик сўзда эмас, балки амалий ишларда намоён бўлгандагина тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айланиши мумкин. Ўзбекистон мустақилликка эришиб, биз ўзимизнинг ҳақиқий маънодаги “Ватан” тушунчасига эга бўлдик. “Бизнинг олий мақсадимиз мустақиллик эди. Бунга еришдик. Мустақилликнинг олий мақсади ўзбек халқнинг иззатинини жойга қўйиш, кишиларимизда ҳақиқий Ватан туйғусини шакиллантириш, том маънодаги ватанпарварларни тарбиялашдан иборатдир ”.<sup>6</sup> Биз унинг қуч-қудрати, ютуқлари ва муаммоларини аниқ биламиз ҳамда бутун вужудимиз билан ҳис этамиз.

Умуман олганда “Ватан” тушунчаси шу ватанда яшайдиган ҳамма кишилар учун бир хил манфаатли, умуминсоний қадрят бўлиши лозим. Ватан туйғуси одатда ҳалол, жасур кишиларда шу Ватан учун жасоратлари ҳақида фикр-рағбат уйғотса, нопок, худбин ва қабих ишларни қилишдан сақлайди!

Ватанга муҳаббат ватанпарварлик ҳисида ифодаланади. Ватанпарварлик эса бу фақат Ватанга меҳр қўйишдангина иборат эмас, балки бу Ватан билан ўзини бир бутунлиқда деб билиш, Ватаннинг яхши ёки оғир қунларида унинг корига яраш, Ватанга хизмат қилиш ҳамдир. Ватанпарварлик – бу кишининг сўзи билангина эмас, балки унинг иши билан исботланадиган нарсадир. Энг олий ватанпарварлик эса бу – Ватан озодлиги, Ватан мустақиллиги, Ватан равнақи йўлида кўрсатиладиган жасоратдир. Ҳақиқий ватанпарварлик бу кишининг ўз Ватанистиқоли ва истиқболи йўлида фидокорона ва ҳалол меҳнат қилишдир.

Маънавий қашшоқ, худбин, калтабин, манман, бокиманда, боки беғам, текинхўр кишиларда ҳеч қачон Ватан туйғуси кучли бўлмайди. Улар бу туйғунинг олийжаноблигини, гўзаллиги ва юксаклигини етарли даражада ҳис этолмайдилар. Бундай кишилар жамиятдаги энг ғарип, энг тубан, нотайин ва паст кишилардир. Улар ўз юртини, ўз халқи ва миллатини, хуллас, ўз она – Ватанини ҳам ҳақиқий маънода севаолмайдилар, тўғрисини айтганда, уларга Ватан туйғуси ҳамиша ёд бўлади. Бундай кишилар, одатда ўз юртидан, ўз

<sup>5</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 65 – бет.

<sup>6</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқтол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т.: “Ўзбекистон”. 1993 йил, 103-бет.

Ватани, ўз халқи ва миллатидан ҳам тез юз ўгирадилар, улар ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳар қандай тубан ишларни қилишга тайёр бўлиб, ўз виждонларидан ҳам тез юз ўгирадилар. Шунинг учун ҳам, жиноят кодексларида энг олий жиноят – бу Ватанга хиёнат деб белгиланган. Бу бежиз қилинмаган. Ватанга ҳиёнат қилган кишилар энг тубан, энг разил, сотқин кишилар бўлади. Шунинг учун уларнинг фаолиятини хеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бундай кишилар гуноҳини ҳам ҳеч ким, ҳеч қачон кечирмайди. Шунинг учун ҳам халқда мақол бор: “Кимки Ватанини ор қилса, ўзи ҳам хор бўлади”. Бунинг акси бўлган мақолда эса “Эл – юртинг омон бўлса, ранги – рўйинг сомон бўлмас”, дейилади. Халқда яна: “Элидан айрилган эллик йил йиғлар”, “Ватандан ташқарида баҳт йўқ” каби ҳикматлар ҳам мавжуд. Бу ҳақда ўз вақтида буюк мутафаккиримиз ҳазрат Навоий жуда тўғри айтганла: “Ватан таркини бир нафас айлама, Яна ранжу ғурбат ҳавас айлама”.

Буюк файласуф Г.Гегель ҳас: “Маърифатли кишиларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади”, деб ёзган эди. Лекин шуни айтиш керакки, Ватанга муҳабbat, ватанпарварлик туйғуси – булар инсонда ўз – ўзидан, онгизз равишда пайдо бўладиган, шаклланадиган нарсалар эмас. Улар ҳар бир кишида, жамиятда уни ўраб олган ижтимоий муҳит таъсирида, жамиятнинг таълими ва тарбияси асосида шаклланади ва ривожланади. “Биз бугун, демократик ўзгаришлар даврида мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида бевосита ва фаол иштирок этиш истагида бўлган фуқароларимизнинг салоҳияти тўла намоён бўлишини таъминлашимиз лозим”<sup>7</sup>.

Ватанга муҳабbatни, ватанпарварликни шакллантирувчи жуда кўп ижтимоий – маънавий омиллар мавжуддир. Ватанпарварликни шакллантирувчи бу омиллар ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвар ёшлирини тарбиялашда ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

---

<sup>7</sup>Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳо. Т.2. – Т.: «Ўзбекистон», 2018. – Б.36.